XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2024 - yil 30 - yanvar VI-62-3-3-45-K/24 G‘allaorol tumani hokimligi

Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ҳарбий-маъмурий сектор жамғармаси”га маблағ ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги “Ҳарбий-маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 659-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 24-моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов) туман маҳаллий бюджетининг 2024 йил бошига шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан 500,0 (беш юз) млн. сўм маблағни туман ҳокимлигига ажратиш вазифаси топширилсин.

2. Туман ҳокимлиги (Х.Жўраев) туман маҳаллий бюджетидан ажратилган маблағни вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ҳарбий-маъмурий сектор жамғармасига ўтказиб бериш вазифаси топширилсин.

3. Туман ғазначилик хизмати бўлинмаси (Б.Саттаров) туман маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли ҳисоб рақамга ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари

бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

Kengash raisi **Ж.Оқбоев**